

МАХФИЙЛИК ВА ШАХСИЙ МАЪЛУМОТЛАРНИ САҚЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ БИТИМ

Тошкент шахри

1. “CENTER FOR DIGITAL TECHNOLOGY AND INNOVATION” АЖ веб-сайтларимиз, хизматларимиз, мобил сайтларимиз, дастурларимиздан, шунингдек, маҳсулот ва хизматларимиздан фойдаланишни осонлаштирадиган Smartpos Trade, Smartpos Supply, Silen, A-ray, X-file каби ва бошқа иловаларимиздан фойдаланаётганингиз учун сизга миннатдорчилик билдиради.
2. Биз сайтларимиз, хизматларимиз, дастурларимиз, иловаларимизга ташриф буюрган ёки фойдаланган ҳар бир киши ва фойдаланувчининг шахсий махфийлик ҳуқуқларини ҳимоя қилишга тўлиқ масъулмиз ва Мижозларимиз томонидан тақдим этилган ҳар қандай маълумотни ҳимоя қилиш учун зарур чораларни кўрамиз.
3. “CENTER FOR DIGITAL TECHNOLOGY AND INNOVATION” АЖ компанияси Мижозларнинг ишониб топширган махфий маълумотларини сақлаш таъминлигига ҳар доим содиқ қолади. Бизга тақдим этилган шахсий маълумотларнинг хавфсизлиги ва махфийлигини таъминлаш биз учун устувор вазифадир.
4. Шахсий кабинет бу – Мижознинг шахсий саҳифаси. Шахсий кабинетга жойлаштирилган ахборот ва маълумотлар (Smartpos, Silen, A-ray, X-file ва бошқалар) фақат мижознинг ўзига тегишлидир. Шахсий кабинетда авторизация қилиш учун зарур бўлган мижознинг индивидуал логин ва/ёки пароли фақат Мижоз учун берилган бўлади. Компания шахсий кабинетга кириш паролларни тўпламайди ва сақламайди ҳамда мижознинг рухсати ва розилигисиз унга кириш ҳуқуқига эга эмас. Шахсий кабинетда кўрсатилган ахборот ва маълумотлар давлат органларига, шу жумладан солиқ ва бошқа давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмаларга берилмайди.
5. Компания шахсий кабинетда кўрсатилган ахборот ва маълумотлар махфий қолиши ва учинчи шахсларга берилмаслигига кафолат беради.
6. Мижоз шахсий кабинетнинг логин ва паролнинг хавфсизлиги ва учинчи шахсларга ошкор этилмаслиги учун жавобгардир. Мижоз логин ва/ёки паролдан фойдаланган ҳолда Шахсий кабинетга рухсатсиз (мижоз томонидан рухсат этилмаган) кириш (авторизация қилиш) ҳолатлари ва/ёки ўз паролнинг махфийлиги бузилганлиги (ёки бунга гумон бўлса) тўғрисида дарҳол Компанияни хабардор қилиши шарт.
7. Ушбу Махфийлик сиёсати бевосита Компаниямизнинг веб-сайтлари, дастур хизматлари, иловалари ва улар орқали олинган маълумотларга тааллуқлидир. У бошқа сайтларга, бизнинг сайтимизга ҳавола ёки сайтимиз ҳақида маълумот келтирилган учинчи томон, шу жумладан, бизнинг ҳамкорларимизнинг веб-сайтларига тааллуқли эмас.
8. Илтимос, ушбу Махфийлик ва шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги битим (кейинги ўринларда “Битим” деб юритилади) мазмуни билан танишиб чиқинг. Унда Компаниямизнинг махфийлик сиёсати ёритилган ва шахсий маълумотлар қандай тўпланиши ва қайта ишланишини тушунтириб берилган.
9. Веб-сайтлар, хизматлар, иловалар, дастурларга ташриф буюриш орқали Мижоз Битимда кўрсатилган шартларни қабул қилади ва уларга розилик билдиради. Агар сиз Битим

шартларидан бирортасига рози бўлмасангиз ёки қабул қилмасангиз, илтимос, веб-сайт, хизматлар, дастурлар ва иловалардан фойдаланманг ёки ўз шахсий маълумотларингизни тақдим қилманг.

10. Шахсий маълумотлар – Мижозга бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлган, ушбу Битимга тааллуқли ва ушбу Битимдан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш учун биз тўплайдиган ва қайта ишлайдиган маълумотлар.

11. Мижозга тегишли маълумотлар эркин усулда қайта ишланади ва биз мижоз веб-сайтнинг қайси қисмлари, қайси маҳсулот, хизматлар, дастурлар, иловаларга кўпроқ қизиқиш билдираётганлигини аниқлашимиз учун фойдаланилади ва биз мижозга унинг учун кўпроқ фойдали ва керакли маълумотларни юборишимиз мумкин бўлади.

12. Биз Мижознинг шахсий маълумотларидан Мижознинг шахсини аниқлаш, Мижозга Сайтнинг, Хизматларнинг шахсийлаштирилган ресурсларига киришини таъминлаш, Мижоз билан алоқа ўрнатиш, шу жумладан билдиришномаларни жўнатиш, Мижознинг сўров ва аризаларини қайта ишлаш, мижоз томонидан тақдим этилган шахсий маълумотларнинг тўғрилиги ва тўлиқлигини тасдиқлаш, akkaунт яратиш, мижозга махсус таклифлар, ахборот бюллетенлари ва бошқа маълумотлар ҳақида ахборот бериш, сайт, хизматлар, дастурлар, иловалардан фойдаланиш билан боғлиқ техник ёрдам кўрсатиш, иш фаолиятини яхшилаш ва фойдаланиш қулайлигини ошириш, янги хизматлар, дастурлар, иловаларни ишлаб чиқиш, шунингдек, шахсизлаштирилган маълумотлар асосида маркетинг, статистик ва бошқа тадқиқотлар ўтказиш мақсадида фойдаланишимиз мумкин.

13. Компания мижозларни сўнгги воқеалар, янги маҳсулотлар, махсус таклифлар ва акциялар ҳақида хабардор қилиш учун ахборот жўнатмаларидан фойдаланади.

14. Мижознинг шахсий маълумотларига ишлов бериш муддатсиз, қонун доирасида, шу жумладан, шахсий маълумотларнинг ахборот тизимларида, автоматлаштириш воситаларидан фойдаланиб ёки фойдаланмасдан амалга оширилади.

15. Мижознинг шахсий маълумотлари Ўзбекистон Республикасининг ваколатли давлат органларига фақат Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган асослар ва тартибда берилиши мумкин.

16. Компания Мижознинг шахсий маълумотларини, рухсатсиз ёки тасодифий кириш, йўқ қилиш, ўзгартириш, блоклаш, нусхалаш, тарқатиш, шунингдек учинчи шахсларнинг бошқа ноқонуний ҳаракатларидан ҳимоя қилиш учун оқилona ташкилий, техник ва маъмурий чораларни кўради. Хавфсизлик чораларига офисларимизга чекланган ва назорат остида кириш ва чиқиш, камчиликлар, заифликлар, зарарли дастурларни аниқлаш учун веб-сайтлар ва мобил иловаларни мунтазам сканерлаш қиради.

17. Компания қуйидаги ҳолларда Мижознинг махфий маълумотлари йўқолгани ёки ошкор этилганлиги учун жавобгарликни ўз бўйнига олмайди: агар бундай маълумотлар йўқолиши ёки ошкор этилишидан олдин оммага маълум бўлган бўлса, ошкор қилингунга қадар учинчи шахсдан олинган бўлса, Мижознинг розилиги билан ошкор қилинган бўлса.

18. Мижозларимизнинг шахсий маълумотларини сақлаш Битимда белгиланган мақсадларга эришиш учун зарур бўлган муддат давомида амалга оширилади.

19. Сизнинг шахсий маълумотларингиз аниқ ва тўғри бўлиши муҳим. Агар биз билан бўлган муносабатингиз давомида шахсий маълумотларингиз ўзгарса, бизга хабар беринг.

20. Биз ушбу Махфийлик ва Шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш сиёсатини исталган вақтда Мижознинг розилигисиз ўзгартиришимиз мумкин. Битим Ўзбекистон Республикасининг шахсий маълумотларни қайта ишлаш ва ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчилигига ўзгартиришлар киритилганда, Компания раҳбариятининг қарорига биноан, шахсий маълумотларни қайта ишлаш мақсадлари ўзгартирилганда, ташкилий тузилма ва ахборот ва/ёки телекоммуникация тизимларининг тузилиши ўзгартирилганда (ёки янгиларини жорий этилганда), Компания фаолияти билан боғлиқ шахсий маълумотларни қайта ишлаш жараёнини ўзгартириш зарурати туғилганда қайта кўриб чиқиши мумкин. Битимга киритилган ҳар қандай ўзгартириш, агар янги таҳрирда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, сайтда эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киради. Бундай ўзгаришлардан кейин сайтлар, хизматлар ва Компаниянинг бошқа маҳсулотларидан фойдаланишингиз ўзгартирилган Битимни қабул қилганингизни билдиради. Биз мижозларга биз тўплаган шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича ҳар қандай ўзгаришлардан хабардор бўлиб туришлари учун мунтазам равишда веб-сайтни текшириб боришни тавсия қиламиз. Сайтдан фойдаланиш орқали сиз Битимни ва унга киритилган ўзгартиришларни вақти-вақти билан кўриб чиқиш масъулиятини ўз зиммангизга олишга розилик билдирасиз.

21. Мазкур Битим ҳамда Мижоз ва Компания ўртасидаги муносабатларга Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги қўлланилади. Суд органларига мурожаат қилишдан олдин, даъво қилувчи томон иккинчи томонга низони ихтиёрий равишда ва ўзаро келишув асосида ҳал қилиш тўғрисида ёзма ариза бериши шарт. Даъвони олувчи даъво олинган кундан бошлаб 30 календар кун ичида уни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида ариза берувчига ёзма равишда хабар бериши шарт. Агар келишувга эришилмаса, низо Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ суд органига юборилади.

22. Амалдаги Битим www.cdti.uz, www.smartpos.uz, www.silen.uz, www.a-pay.uz, www.x-file.uz саҳифаларида жойлаштирилган.

“CENTER FOR DIGITAL TECHNOLOGY AND INNOVATION” АЖ, 100090

Ўзбекистон Республикаси,

Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани,

Махтумкули кўчаси, 81

ИНН: 306 344 019

х/р: 2020 8000 0050 6594 4001

«HAMKORBANK»

АТБ ФАА: 00083

Банк ИННси: 200 242 936

ИФУТ: 58290

Тел: (+99855) 500-11-10

Директор

Ко А.Н.